

Бефойда нарсанинг барчаси зарарли ҳисобланади



12:00 / 21.05.2022 4325

Ҳазрат Ашраф Али Таҳонавий айтдилар: «Инсоннинг амали, ҳоҳ динга тааллуқли бўлсин, хоҳ дунёга тегишли бўлсин, юзаки назар билан текширилганда уч турли экани маълум бўлади. Кўпчилик олимлар шу фикрга келганлар. Биттаси фойдали амал, иккинчиси зарарли амал, учинчиси на фойдали ва на зарарли бўлган амал. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, учинчи турдаги (на фойдали ва на зарарли) амал ҳам, иккинчи, яъни зарарли амал турига қўшилади. Чунки бефойда ишга сарф бўлган вақт ва қувват бирор фойдали ишга сарфланса эди, бундан катта фойда бўлар эди. Мана шу фойдадан маҳрумликнинг ўзи катта бир зарардир. Масалан, бир тижоратчи ўз сармоясини бир ишга тикди. Ундан на фойда бўлди ва на зарар. Лекин у мана шуни ўзининг нуқсонини ва зарари деб ҳисоблайди. Чунки у ўзи умид қилиб, кўз тиккан фойдасидан маҳрум

бўлди».

«Мажолиси ҳакимул-умма» китобидан